



«ТАСДИҚЛАНГАН»

«Ўзметкомбинат» АЖ  
Кузатув кенгаши қарори билан

Ижроия органи аъзоси

  
Т.А. Будей



«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги

Вазир ўринбосари

  
О. Исаков  
№ Р0931 «   » декабр 2021 й.  
М.Ў.

«ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ»  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ

ОБЛИГАЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИ

Идентификация рақами берилди:	Р	Ч	З	О	1	Р	О	9	3	1	7	4
-------------------------------	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Хужжатсиз шаклдаги фоизли эгасининг номи ёзилган корпоратив облигациялар, сони 10 000 (ўн минг) дона, номинал қиймати 5 000 000 (беш миллион) сўм бўлган, умумий қиймати 50 000 000 000 (эллик миллиард) сўм.

Облигациялар очик обуна орқали жойлаштирилади.

Бу облигация чиқарилиши биринчи чиқарилишдир.

Кузатув кенгашининг 2021 йил 28 октябрдаги мажлиси қарори билан тасдиқланган. 9-сонли баён.

Кузатув кенгашининг 2021 йил 28 октябрдаги мажлиси томонидан облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор қабул қилинган. 9-сонли баён.

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Сирдарё кўчаси, 1-уй, 110502.  
тел.: +998 70 214-14-23, [www.uzbeksteel.uz](http://www.uzbeksteel.uz), [info@uzbeksteel.uz](mailto:info@uzbeksteel.uz).

Бошқарув раёни  
Бош директор:



  
Р.Х. Пирматов

Бош ҳисобчи

  
Г.А. Ибрагимов

2021 йил 28 октябрь



1. Ушбу чиқарилишдаги облигацияларнинг кўриниши ва тури (оддий, ютуқли, фоизли, фоизсиз (мақсадли) ва ҳоказо):	Фоизли эгасининг номи ёзилган корпоратив облигациялар
2. Ушбу облигациялар чиқарилишининг шакли	хужжатсиз шаклдаги
3. Ушбу чиқарилишдаги облигацияларининг номинал қиймати (сўм)	5 000 000 (беш миллион) сўм
4. Ушбу чиқарилишдаги облигациялари сони (дона)	10 000 (ўн минг) дона
5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм)	50 000 000 000 (эллиқ миллиард) сўм
6. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар эгаларининг ҳуқуқлари	<p>Ушбу чиқарилишдаги ҳар бир облигация ўз эгасига тенг ҳуқуқларни беради. Облигация эгаси куйидаги ҳуқуқларга эга:</p> <ul style="list-style-type: none"><li>- белгиланган муддатда сўндирилаётган облигациялар бўйича облигацияларнинг номинал қийматини ва купон даромадини фоизлар кўринишида олиш;</li><li>- «Ўзметкомбинат» АЖ устав капиталидаги давлат улуши 51 фоиздан камайган ва/ёки «Ўзметкомбинат» АЖ қайта ташкил этилган тақдирда облигациялар эгаси, облигациялар бўйича мажбуриятларнинг бекор қилинишини ёки муддатидан олдин бажарилишини ҳамда етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга;</li><li>- амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, «Ўзметкомбинат» АЖ облигациялар эгаларига киритилган маблағларни, шунингдек, тўланиши лозим бўлган фоизларни (ҳақиқий муомала даври учун) қайтариш мажбуриятини олади (облигациялар чиқарилиши ҳақиқий эмас деб топилган оралиқ даврга);</li><li>- облигациялар эгаси ўз облигацияларини эркин сотиш ва бошқача тарзда бегоналаштириш ҳуқуқига эга;</li><li>- эмитентдан облигациялар чиқариш шартларига риоя қилишнинг иложи йўқлиги тўғрисида инвесторларни дарҳол ёзма равишда хабардор қилишни талаб қилиш;</li><li>- эмитентнинг облигациялар эгалари олдидаги мажбуриятларини бажариши ва ушбу мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ маълумотлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш;</li><li>- мазкур қарорда белгиланган вазифаларни бажариш муносабати билан давлат органлари ва судларда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш;</li><li>- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни ҳам амалга оширишга.</li></ul>
7. Ушбу чиқарилишдаги облигацияларни сотиб олинишига нисбатан чеклашлар	Ушбу чиқарилишдаги облигацияларини сотиб олишда чекловлар мавжуд эмас.
8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм):	Жамият устав капиталининг миқдори 221 144 065 000 сўмни ташкил этади.
9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади)	Илгари жойлаштирилган эгасининг номи ёзилган оддий хужжатсиз акцияларнинг жами сони: 43 322 393 (қирқ уч миллион уч юз йигирма икки минг уч юз тўқсон уч) дона.





	Илгари жойлаштирилган эгасининг номи ёзилган имтиёзли хужжатсиз акцияларнинг жами сони: 906 420 (тўққиз юз олти минг тўрт юз йигирма) дона.
10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони	Жамият томонидан илгари облигациялар чиқарилмаган.
<b>11. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби</b>	
11.1. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпиқ обуна)	Облигацияларни жойлаштириш ташкил этилган биржа савдоларида очик обуна йўли орқали амалга оширилади.
11.2. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштирилишининг муддати:	<p>Ушбу чиқарилаётган облигациялар жойлаштирилишининг бошланиш санасидан бошлаб 3 (уч) иш куни ичида жойлаштирилади.</p> <p>Облигациялар жойлаштирилишининг бошланиш санаси – «Тошкент» Республика фонд биржасининг биржа котировкалари листингига киритилган кун, лекин эмиссия рисоласи эълон қилинган кундан бошлаб икки ҳафтадан олдин бўлмаган муддатда.</p> <p>Агар ушбу чиқарилаётган облигациялар савдо куни тугганидан кейин, шунингдек байрам ёки дам олиш кунлари биржа котировкалари листингига киритилган бўлса, жойлаштириш бошланиш санаси шу кунлардан кейинги биринчи иш кунига қолдирилади.</p> <p>Ушбу чиқарилаётган охириги облигацияни инвесторга жойлаштириш санаси, облигациялар жойлаштирилишининг тугаш санаси ҳисобланади, лекин ҳар қандай ҳолатда бу сана облигацияларни жойлаштириш бошланган кундан бошлаб 3 (уч) иш кунидан ошмаслиги керак.</p>
11.3. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштирилишининг тартиби	<p>Ушбу чиқарилишдаги облигациялар «Тошкент» Республика фонд биржасида биржа қондаларига асосан битимлар тузиш йўли билан жойлаштирилади.</p> <p>Облигацияларнинг жойлаштириш бошланган кундан эътиборан 3 иш кунидаги ҳолатига кўра, қолган қисми андеррайтер томонидан ташкил этилмаган биржадан ташқари бозорда қонунчиликда белгиланган тартибда фуқаролик-ҳуқуқий битимларини тузиш йўли билан амалга оширилади.</p> <p>Облигацияларни жойлаштириш эмитент томонидан улар эмитентга облигацияларни жойлаштириш бўйича хизматлар, шу жумладан андеррайтинг хизматларини кўрсатувчи «Freedom Finance» МЧЖ ХК инвестиция воситачисини жалб қилган ҳолда амалга оширилади.</p> <p>Тўлиқ ва қисқартирилган фирма номи, жойлашув манзили:</p> <p>«Freedom Finance» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхона 100084, Тошкент шаҳри, А. Темур кўчаси, 107-Б.</p> <p>Профессионал фаолиятни амалга ошириш учун берилган лицензиянинг рақами ва берилган санаси: 2018 йил 22 октябрдаги 1337-сонли;</p> <p>Лицензиянинг амал қилиш муддати: чекланмаган;</p> <p>Кўрсатилган лицензияни берган орган: Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази;</p> <p>тузилган шартномага мувофиқ, андеррайтернинг асосий вазифалари:</p> <ul style="list-style-type: none"><li>эмитент билан биргаликда облигацияларни чиқариш ва жойлаштиришнинг мақбул тузилмасини шакллантириш;</li><li>инвестиция меморандумини тузиш ва инвесторларга тақдим этиш;</li><li>андеррайтерлик хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ эмитент облигацияларини</li></ul>





	<p>жойлаштириш; облигацияларни жойлаштиришдан олинган маблағларни эмитентга тўлаш; ушбу чиқарилишдаги облигацияларни жойлаштириш чекланмаган миқдордаги шахсларга оммавий обуна орқали амалга оширилади; ўз вақтида жойлаштирилмаган облигацияларни ўз ҳисобидан сотиб олиш.</p>
<p>11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефон рақами</p>	<p>«Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» давлат корхонаси; 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй; телефон: (0 371) 267-37-42. e-mail: <a href="mailto:info@deponet.uz">info@deponet.uz</a> сайт: <a href="http://www.deponet.uz">www.deponet.uz</a> «Freedom Finance» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхона, «Freedom Finance» МЧЖ ХК, Тошкент ш., А. Темуралиев кўчаси, 107-Б, телефон: +998 (78) 147-75-55; e-mail: <a href="mailto:info@ffin.uz">info@ffin.uz</a>, веб сайт: <a href="http://www.ffin.uz">www.ffin.uz</a>.</p>
<p>11.5. Овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган жойлаштириладиган облигацияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби</p>	<p>Облигацияларнинг ушбу чиқарилиши овоз берувчи акцияларга айирбошланмайди, шунинг учун, ушбу чиқариладиган облигацияларни сотиб олганларга имтиёзли ҳуқуқини амалга ошириш кўзда тутилмаган.</p>
<p>11.6. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби</p>	<p>Облигациялар қимматли қоғозлар бозорида андеррайтер томонидан бозорда шаклланган нархдан келиб чиққан ҳолда, (5 000 000 сўм) номинал қийматидан кам бўлмаган нархда жойлаштирилади. Битта облигацияни жойлаштириш нархи очиқ обуна бўйича қабул қилинган буюртмалар натижаларига кўра белгиланади ва жойлаштириш вақтида шаклланган талаб ва таклиф конъюнктурасига қараб ошиши мумкин, булар натижасида облигациялар бўйича ҳақиқий бозор ставкаси 23 фоиздан паст бўлиши мумкин.</p>
<p>11.7. Облигацияларни тўлаш шартлари ва тартиби</p>	<p>Облигациялар учун тўлов Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси (сўмда) амалга оширилади. Облигацияларни ташкил этилган савдолар орқали жойлаштиришда облигациялар қийматини тўлаш нақд пулсиз ҳисоб-китоблар орқали битимлар асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчилари қоидаларига мувофиқ амалга оширилади. Облигацияларни биржадан ташқари ташкил этилмаган савдоларга қўйишда облигациялар қийматини тўлаш облигацияларни бир марталик олди-сотди шартномаларига мувофиқ, қуйидаги ҳисоб рақамига нақд пулсиз тўловлар орқали амалга оширилади: «Ипотека Банк» АТИБ, Бекобод филиали, Ҳисоб рақами: 202100000800468183001, МФО: 00489. Ушбу чиқариладиган облигациялар учун тўлов пулсиз кўринишдаги тўловлар ҳисобидан тўлаш кўзда тутилмаган.</p>
<p>11.8. Ушбу облигациялар чиқарилиши амалга олмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан облигациялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби</p>	<p>Агар облигациялар умумий сонининг 100 фоиздан кам жойлаштирилса, ушбу чиқарилган облигациялар амалга олмаган деб ҳисобланади. Агар ушбу чиқарилган облигациялар амалга олмаган деб топилган бўлса, эмитент амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ушбу ҳолат тўғрисида расмий хабар эълон қилади, шунингдек Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсидан амалга олмаган деб топилган санага облигациялар эгалари рўйхатини сўрайди. Ушбу чиқарилган облигациялар амалга олмаган деб топилган пайтдан эътиборан эмитент ушбу</p>





	<p>қарор асосида чиқарилган облигациялар бўйича фоизларни ҳисоблашни тўхтатади.</p> <p>Эмитент ушбу чиқарилишдаги барча облигация эгаларига амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда облигациялар учун тўлов сифатида олинган пул маблағларни, шунингдек тўланиши лозим бўлган фоизларни (облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган оралик даврга), ушбу облигациялар чиқарилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошмаган деб топилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида қайтариб бериш мажбуриятини олади.</p>
<b>12. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар бўйича таъминот</b>	Ушбу чиқарилаётган облигациялар эмитент ўз маблағи доирасида чиқарилаётганлиги сабабли таъминот кўзда тутилмаган.
<b>13. Облигациялар муомаласининг тартиби ва муддатлари</b>	<p>Облигациялар муомаласи олди-сотди битимлари, шунингдек, қимматли қоғозлар эгасининг ўзгаришига олиб келувчи Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни тузиш йўли билан амалга оширилади.</p> <p>Облигациялар биржа ва биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида сотилиши мумкин.</p> <p>Облигацияларга бўлган ҳуқуқлар сотиб олувчига белгиланган тартибда сотиб олувчининг депо ҳисобига тегишли қайд киритилган пайтдан бошлаб ўтказилади ва қонунчиликда ўрнатилган тартибда хизмат кўрсатувчи инвестиция воситачиси томонидан берилган депо ҳисобидан кўчирма билан тасдиқланади.</p> <p>Облигациялар муомаласи муддати - ушбу облигациялар муомаласига чиқарилган кундан бошлаб 543 (беш юз қирқ уч) кун. Бу давр фоизларни тўлаш учун ҳар бири 181 кунлик 3 (уч) оралик даврга бўлинади.</p> <p>Облигациялар муомаласининг бошланиш санаси - жойлаштириш тугаган кундан кейинги кун, шунингдек, ушбу облигациялар муомаласи бошланган кун ҳисобланади.</p> <p>Облигациялар муомаласининг тугаш санаси - ушбу чиқарилишдаги облигациялар муомаласи бошланган кундан бошлаб 543-(беш юз қирқ учинчи) кун.</p>
<b>14. Облигациялар бўйича сўндириш ва даромадларни тўлаш шартлари</b>	
<b>14.1. Облигацияларни сўндириш шакли (пул воситалари, мол-мулк, айирбошлаш ва ҳокказо)</b>	Ушбу чиқарилган облигациялар фақат пул воситасида Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида нақд пулсиз шаклда сотиб олинади.
<b>14.2. Облигацияларни сўндириш муддатини ўз ичига олган сўндириш тартиби ва шартлари</b>	<p>Облигацияларни сўндириш муддати облигациялар муомаласи тугаган кундан кейинги кун. Агар облигациялар муомаласи дам олиш кунда тугаса, сўндириш муддатининг бошланиш санаси кейинги иш кунига ўтказилади.</p> <p>Облигацияларни сўндириш Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан шакллантирилган облигациялар эгаларининг реестридаги маълумотларга асосан облигациялар эгаларининг банк реквизитларига пул маблағларини (номинал қиймати ва сўнгги оралик давр учун фоиз даромадларини) ўтказиш йўли билан облигациялар муомаласи бошланган кундан бошлаб 543-кун ҳолатига 10 (ўн) банк куни ичида амалга оширилади.</p> <p>Облигация эгасининг ёзма мурожаати асосида унга тегишли маблағлар облигация эгасининг инвестиция воситачисига ўтказилиши мумкин, кейинчалик ушбу маблағлар облигация эгасининг инвестиция воситачисидидаги депо ҳисобига ўтказилади.</p>





	<p>Агар тўлов суммасини тўлаш санаси банк ҳисоб-китоб операциялари бўйича дам олиш кунига тўғри келадиган бўлса, тўлов суммасини тўлаш шу кундан кейинги биринчи иш кунига амалга оширилади.</p> <p>Агар даромадни тўлаш реестрида облигациялар эгасининг банк реквизитлари тўғрисида тўлиқ бўлмаган ва / ёки нотўғри маълумотлар бўлса, эмитент облигациялар эгаларига тўланадиган маблағларнинг кечиктирилганлиги учун жавобгар бўлмайди.</p> <p>Бундай вазиятга йўл қўймаслик учун облигация эгалари жорий оралик вақт тугашидан олдин Эмитентга ўз банк реквизитларини кўрсатган ҳолда хат юборишга ҳақли. Шунингдек, Эмитент облигациялар муомаласи бошланган кундан бошлаб 543-кунга келиб, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан реестрни ўз вақтида тақдим этилмаганлиги учун жавобгар бўлмайди.</p> <p>Агар облигациялар эгаларининг реестрида облигациялар эгаларининг банк ҳисоблари тўғрисида маълумот бўлмаса ёки маълумотлар ўз аҳамиятини йўқотса, ушбу облигациянинг эгасига тегишли маблағлар Эмитент томонидан сақланади ва бу пул маблағларига сақланган муддат учун фоиз ҳисобланмайди. Пул маблағларини сўндириш учун тўловлар амалга оширилган кунлар учун облигациялар эгаларига фоизлар ҳисобланмайди.</p>
<p>14.3. Облигацияларнинг ҳар бири бўйича тўланадиган даромадни белгилаш тартиби (даромад миқдори ёки уни белгилаш тартиби, шунингдек ҳар бир купон бўйича тўланадиган даромад миқдори ёки уни белгилаш тартиби):</p>	<p>Облигациялар бўйича фоиз ставкаси, облигацияларнинг бутун муомаладаги муддати учун белгиланади ва облигациялар номинал қийматининг йиллик 23 (йигирма уч) фоизни ташкил этади.</p> <p>Облигация эгаси белгиланган муддат оралиғида облигациянинг номинал қийматидан (амалдаги солиқ қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда фоиз даромадидан тўлаш манбаидан ушлаб қолинган солиқни инобатга олган ҳолда) облигацияларни чиқариш бўйича ўрнатилган шартларида фоизли даромад олиш ҳуқуқига эга.</p> <p>Облигациялар бўйича фоизли даромадлар Эмитент томонидан тегишли оралик даврнинг охири санасида тузилган облигациялар эгалари реестрида рўйхатдан ўтган облигация эгасига тўланади. Бир облигацияга ҳар бир оралик давр учун фоизли даромад миқдори куйидаги формула бўйича аниқланади:</p> $D_n = N * C / 2,$ <p>бунда:</p> <p><math>D_n</math> – облигациялар бўйича ҳисобланган фоизли даромадлари;</p> <p><math>N</math> – облигациянинг номинал қиймати;</p> <p><math>C</math> – облигациялар бўйича фоиз ставкаси (йиллик ҳисобда).</p>
<p>14.4. Облигациялар бўйича даромадларни тўлаш тартиби ва муддати, ҳар бир купон бўйича даромадни тўлаш тартиби ва муддатини ўз ичига олган ҳолда</p>	<p>Облигациялар эгаларининг фоизли даромадлари Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан облигациялар муомаласи даврининг 181, 362, 543-кунлари учун шакллантирилган реестр асосида тўланади.</p> <p>Ҳар бир облигация бўйича фоизли даромад ҳар 181 кунлик давр учун ҳисобланади ва тўланади. 1-оралиқ даврнинг бошланиш санаси облигацияларни жойлаштириш бошланиш санасига, шунингдек кейинги оралик даврларнинг бошланиш санасига мос келади - мос равишда 182 ва 363-кунлар.</p> <p>Даромадларни тўлаш учун Эмитент Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига даромад ҳисобланган ҳар бир оралик даврнинг охири куни ҳолатига облигациялар эгалари реестрини шакллантириш учун сўров юборади.</p>





	<p>Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан тақдим этилган облигациялар эгаларининг реестри асосида Эмитент фоиз даромадларини тўлаш учун облигациялар бўйича даромад олишга ваколатли шахсларнинг ҳар бирига тўланиши лозим бўлган маблағлар миқдорини ҳисоблаб чиқади.</p> <p>Эмитент оралиқ давр тугаганидан кейин 10 банк кунидан кечиктирмай Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси томонидан тузилган облигациялар эгалари реестридан олинган маълумотларга асосланиб, ҳисобланган даромадни облигацияларни ушлаб турувчиларнинг банк ҳисоб рақамларига ўтказилади.</p> <p>Облигация эгасининг ёзма мурожаати асосида даромадлар облигация эгасининг инвестиция воситачисига тўланиши мумкин, кейинчалик ушбу маблағлар облигация эгасининг инвестиция воситачисидаги шахсий ҳисоб рақамига ўтказилади.</p> <p>Агар даромадни тўлаш реестрида облигациялар эгаларининг банк реквизитлари тўғрисида тўлиқ бўлмаган ва / ёки ноаниқ маълумотлар мавжуд бўлса, даромадни тўлаш учун реестрда рўйхатдан ўтган облигациялар эгаларига фоизли даромадни тўлаш кечиктирилганлиги учун Эмитент жавобгар бўлмайди.</p> <p>Бундай вазиятга йўл қўймаслик учун облигация эгалари жорий вақт оралигининг тугашидан олдин Эмитентга ўз банк реквизитларини кўрсатган ҳолда хат юборишга ҳақли. Шунингдек, Эмитент Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан даромадларни тўлаш реестри ўз вақтида тақдим этилмаганлиги учун жавобгар бўлмайди.</p> <p>Агар тўлов манбаида Эмитент томонидан фоизлар кўринишидаги даромад солиғини ушлаб қолиш бўйича солиқ қонунчилиги нормаси мавжуд бўлса ва облигация эгаси даромад солиғи бўйича имтиёзга эга бўлса (шу жумладан, даромад солиғидан озод қилиш), бундай облигация эгаси бу ҳақда эмитентга олдиндан ёзма равишда хабардор қилиши шарт.</p> <p>Бундай огоҳлантириш хати қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак: имтиёз қўлланилган меъёрий ҳужжатнинг номи (хатга илова қилинган ушбу меъёрий ҳужжат нусхаси билан), облигация эгасига бундай имтиёз қўлланиладиган асос ва облигация эгасининг банк реквизитлари.</p> <p>Огоҳлантириш хати жорий оралиқ давр тугашидан 5 календар кунидан кечиктирмай Эмитентга топширилиши керак. Ушбу облигациялар бўйича ҳисобланган ва тўланган фоиз даромадлари тўғрисидаги маълумотлар ҳар бир оралиқ муддат тугаганидан кейин амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эълон қилинади.</p>
<p>14.5. Облигацияларни муддатидан олдин сўндириш имтиёзи ва шартлари, хусусан: муддатидан олдин сўндиришнинг баҳоси (коэффициенти), облигациялар муддатидан олдин сўндиришга ундан олдин тақдим этилиши мумкин бўлмаган муддат, шу билан бирга эмитент томонидан муддатидан олдин сўндириш тўғрисидаги шартларнинг шартли келиши тартиби</p>	<p>Облигацияларни муддатидан олдин сўндириш кўзда тутилмаган.</p> <p>Ушбу чиқарилаётган облигациялар эгаларининг облигацияларни муддатидан олдин сўндириш бўйича, агар эмитент ўз мажбуриятларини амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган чекловларга риоя қилган бўлса ва ушбу облигацияларни чиқарилиш ҳақидаги қарорда белгиланган талабларга тўлиқ риоя қилинган бўлса, талаб қилиш ҳуқуқи кўзда тутилмаган.</p> <p>Облигациялар эгалари «Ўзметкомбинат» АЖда давлат улуши устав капиталидаги 51 фоиздан камайганда ва/ёки жамият қайта ташкил</p>



	<p>этилганда ўз облигацияларини сотиб олишни жамиятдан талаб қилишга ҳақли.</p> <p>Эмитент жойлаштирилган облигацияларни номинал қийматига мос келадиган нархда, шунингдек тўланиши керак бўлган фоизларни ҳисобга олган ҳолда (облигацияларнинг ҳақиқий муомаладги даври учун) сотиб олиши шарт.</p> <p>Эмитент юқорида кўрсатилган шартлар юзага келган кундан бошлаб 2 (икки) иш куни ичида Корпоратив ахборот ягона порталида (<a href="http://www.openinfo.uz">www.openinfo.uz</a>), эмитент веб-сайтида (<a href="http://www.uzbeksteel.uz">www.uzbeksteel.uz</a>) ва "Тошкент"РФБ веб-сайтида (<a href="http://www.uzse.uz">www.uzse.uz</a>) ушбу факт тўғрисида расмий хабар эълон қилиб, маълумотларни облигациялар эгаларига еткази.</p> <p>Облигация эгаси бундай ҳолатлар тўғрисида хабардор қилинган санадан бошлаб 10 (ўн) календар кун ичида Эмитентга ўзига тегишли облигацияларни сотиб олиш тўғрисида барча зарур реқвизитларни кўрсатган ҳолда эркин шаклда ёзма ариза юбориш ҳуқуқига эга.</p> <p>Бу муддат тугаши билан облигация эгасининг аризаси Эмитент томонидан 10 (ўн) иш куни ичида кўриб чиқилади.</p> <p>Эмитент қарори қабул қилинган кундан бошлаб 2 (икки) иш куни ичида Эмитентнинг расмий веб-сайтида (<a href="http://www.uzbeksteel.uz">www.uzbeksteel.uz</a>), Корпоратив ахборот ягона порталида (<a href="http://www.openinfo.uz">www.openinfo.uz</a>) ва "Тошкент" РФБ ОАЖ (<a href="http://www.uzse.uz">www.uzse.uz</a>) веб-сайтида маълумотларни жойлаштириш орқали облигациялар эгаларига маълум қилинади.</p> <p>Облигацияларни қайтариб сотиб олиш Эмитент томонидан облигацияларни сотиб олиш муддатлари ва тартиби тўғрисида тегишли қарор қабул қилинган кундан бошлаб 30 (ўттиз) календар кун ичида амалга оширилади.</p> <p>Юқоридаги шартлар бузилган тақдирда облигацияларни қайтариб сотиб олиш тартиби фақат облигациялар эгалари томонидан берилган аризалар асосида амалга оширилади.</p> <p>Сотиб олиш учун ариза бермаган облигациялар эгалари, облигациялар чиқарилишининг ушбу қарорда кўрсатилган муомала муддати тугагандан сўнг ўз облигацияларини сўндириш ҳуқуқига эга.</p>
<p>15. Эмитент томонидан облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикасидаги қонун ҳужжатларида мувофиқ равишда қилини тартиби</p>	<p>Эмитентнинг облигациялар эмиссияси расмийнинг асл нусхаси ва нусхалари билан «Ўзметкомбинат» АЖга ариза асосида қуйидаги манзил орқали танишиш мумкин: Ўзбекистон, Тошкент вилояти, Бекобод ш., 110502 Сирдарё кўчаси, 1-3-й, тел.: (70) 214-14-23, <a href="http://www.uzbeksteel.uz">www.uzbeksteel.uz</a>, <a href="mailto:uzbeksteel@uzbeksteel.uz">uzbeksteel@uzbeksteel.uz</a></p> <p>Қиёзматли қарорлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларида мувофиқ ошқор этилиши шарт бўлган облигациялар эмиссияси тўғрисидаги маълумотлар Эмитентнинг ахборот ягона порталида (<a href="http://www.openinfo.uz">www.openinfo.uz</a>), эмитент веб-сайтида (<a href="http://www.uzbeksteel.uz">www.uzbeksteel.uz</a>) ва «Тошкент» РФБ веб-сайтида (<a href="http://www.uzse.uz">www.uzse.uz</a>) эълон қилинади.</p>





	<p>этилганда ўз облигацияларини сотиб олишни жамиятдан талаб қилишга ҳақли.</p> <p>Эмитент жойлаштирилган облигацияларни номинал қийматига мос келадиган нархда, шунингдек тўланиши керак бўлган фоизларни ҳисобга олган ҳолда (облигацияларнинг ҳақиқий муомаладги даври учун) сотиб олиши шарт.</p> <p>Эмитент юқорида кўрсатилган шартлар юзага келган кундан бошлаб 2 (икки) иш куни ичида Корпоратив ахборот ягона порталида (<a href="http://www.openinfo.uz">www.openinfo.uz</a>), эмитент веб-сайтида (<a href="http://www.uzbeksteel.uz">www.uzbeksteel.uz</a>) ва "Тошкент"РФБ веб-сайтида (<a href="http://www.uzse.uz">www.uzse.uz</a>) ушбу факт тўғрисида расмий хабар эълон қилиб, маълумотларни облигациялар эгаларига етказди.</p> <p>Облигация эгаси бундай ҳолатлар тўғрисида хабардор қилинган санадан бошлаб 10 (ўн) календар кун ичида Эмитентга ўзига тегишли облигацияларни сотиб олиш тўғрисида барча зарур реквизитларни кўрсатган ҳолда эркин шаклда ёзма ариза юбориш ҳуқуқига эга.</p> <p>Бу муддат тугаши билан облигация эгасининг аризаси Эмитент томонидан 10 (ўн) иш куни ичида кўриб чиқилади.</p> <p>Эмитент қарори қабул қилинган кундан бошлаб 2 (икки) иш куни ичида Эмитентнинг расмий веб-сайтида (<a href="http://www.uzbeksteel.uz">www.uzbeksteel.uz</a>), Корпоратив ахборот ягона порталида (<a href="http://www.openinfo.uz">www.openinfo.uz</a>) ва "Тошкент" РФБ ОАЖ (<a href="http://www.uzse.uz">www.uzse.uz</a>) веб-сайтида маълумотларни жойлаштириш орқали облигациялар эгаларига маълум қилинади.</p> <p>Облигацияларни қайтариб сотиб олиш Эмитент томонидан облигацияларни сотиб олиш муддатлари ва тартиби тўғрисида тегишли қарор қабул қилинган кундан бошлаб 30 (ўттиз) календар кун ичида амалга оширилади.</p> <p>Юқоридаги шартлар бузилган тақдирда облигацияларни қайтариб сотиб олиш тартиби фақат облигациялар эгалари томонидан берилган аризалар асосида амалга оширилади.</p> <p>Сотиб олиш учун ариза бермаган облигациялар эгалари, облигациялар чиқарилишининг ушбу қарорда кўрсатилган муомала муддати тугагандан сўнг ўз облигацияларини сўндириш ҳуқуқига эга.</p>
<p>15. Эмитент томонидан облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби</p>	<p>Эмитентнинг облигациялар эмиссияси рисоласининг асл нусхаси ва нусхалари билан «Ўзметкомбинат» АЖга ариза асосида қуйидаги манзил орқали танишиш мумкин: Ўзбекистон, Тошкент вилояти, Бекобод ш., 110502 Сардарё кўчаси, 1-уй, тел.: (70) 214-14-23, <a href="http://www.uzbeksteel.uz">www.uzbeksteel.uz</a>, <a href="mailto:info@uzbeksteel.uz">info@uzbeksteel.uz</a></p> <p>Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор этилиши шарт бўлган облигациялар эмиссияси тўғрисидаги маълумотлар Корпоратив ахборот ягона порталида (<a href="http://www.openinfo.uz">www.openinfo.uz</a>), эмитент веб-сайтида (<a href="http://www.uzbeksteel.uz">www.uzbeksteel.uz</a>) ва «Тошкент» РФБ веб-сайтида (<a href="http://www.uzse.uz">www.uzse.uz</a>) эълон қилинади.</p>



Прошито, пронумеровано и скреплено  
печатью \_\_\_\_\_ ( \_\_\_\_\_ ) листов  
Должность \_\_\_\_\_  
Подпись \_\_\_\_\_

